

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.



Мулоқот тафсилотлари ҳақида Етакчимизнинг матбуот хизмати хабар берди. Унга кўра, мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари бағъфсил кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалда АҚШ Президентини сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда иқтисодий модернизация қилиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ортга қайтмас ислохотларни юксак баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

Давлатимиз раҳбари, ўз навбатида, Президент Дональд Трампни АҚШ маъмурияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг улкан натижалари билан самимий табриклади. Америка томонининг халқаро ва минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, глобал хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси ва саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти ва Қўшма Штатлар олий раҳбарияти ўртасидаги мулоқотлар мунтазам давом этиб келаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Дональд Трампнинг биринчи президентлик муддати чоғида у билан Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити ҳамда БМТ Бош ассамблеясининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган 72-сессияси доирасида учрашган эди. Орадан кўп ўтмай икки давлат етакчилари телефон орқали мулоқот қилдилар.

2018 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга биринчи расмий ташрифи бўлиб ўтди ва стратегик шериклик алоқаларининг янги даврига асос солинди. Ташриф доирасида Президент Дональд Трамп, давлат котиби, вазирлар, сенаторлар ва конгрессменлар билан учрашувлар ўтказилди.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишига Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2023 йил кузида АҚШга амалга оширган ташрифи ҳам катта туртки берди. Мазкур ташриф доирасида Нью-Йоркда Марказий Осиё “бешилиги” ва Америка Қўшма Штатлар ўртасида “С5+1” форматидagi биринчи саммит бўлиб ўтди. Икки томонлама учрашув чоғида Ўзбекистон ва АҚШ етакчилари давлатлараро ҳамда минтақавий ҳамкорликка оид долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда: ўтган йиллар давомида конгрессменлардан иборат делегациялар мамлакатимизга бир неча бор ташриф буюрди, Олий Мажлис вакилларининг турли вақтларда Қўшма Штатларга амалга оширган ташрифлари давомида америкалик ҳамкасблари билан самарали учрашувлар ўтказилди.

Бу сафарги телефон орқали мулоқотда ҳам икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Устувор тармоқларда бизнес кооперация лойиҳаларини илгари суриш ва савдо битимлари ҳажмини тубдан ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ўзаро савдо кўрсаткичларининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. 2024 йилда товар айирбошлаш 15 фоизга ошиб, 882 миллион долларни ташкил этди. Бу кўрсаткич яқин йилларда сезиларли даражада ошиши кутилган.

Истиқболли кооперация лойиҳалари портфели фуқаро авиацияси, муҳим минерал ресурслар, электротехника саноати, энергетика, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар, молия, инновациялар, таълим ва кўплаб бошқа йўналишларни қамраб олган.

Ўзбекистонда АҚШ капитали иштирокдаги 314 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг ярмидан кўпи юз фоиз Америка капитали ҳисобига ишлайди. Таққослаш учун: 2017 йилгача уларнинг сонин юзтадан бир оз ошар эди. Ўтган йил якунлари бўйича эса Ўзбекистонда АҚШнинг 636 миллион долларлик инвестициялари ўзлаштирилди.

Мамлакатимизда АҚШнинг “Air Products”, “General Electric”, “General Motors”, “Hyatt”, “John Deere”, “Boeing”, “Honeywell”, “Coca-Cola”, “Silverleaf” компаниялари фаол иш олиб борапти. Мамлакатимиз бозорига янги компанияларнинг кириб келишида Ўзбекистон Президентининг АҚШ бизнес вакиллари билан учрашувлари муҳим ўрин тутди. Бу мулоқотларда давлатимиз раҳбари инвестициявий лойиҳаларни кўриб чиқади, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича масъулларга топшириқлар беради.

Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларига 2023 йил сентябрь ойида амалга оширган ташрифи ҳам бундай юзма-юз учрашувларга бой бўлган эди. Ўшанда Нью-Йоркда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Америка бизнес форуми якунида жами 11,2 миллиард долларлик битим ва келишувларга эришилди, “Citigroup”, “CNH”, “Boston Consulting Group”, “GE Healthcare”, “Oppenheimer”, “Cerberus”, “Sintana” ва бошқа йирик корпорациялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди.

Бу сафарги телефон орқали мулоқотда шу ойда АҚШнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан ўзоқ муддатли ҳамда барқарор шериклик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, хавфсизлик соҳасида, энг аввало, терроризм, экстремизм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш борасида самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Америка томони Ўзбекистоннинг бу йўналишлардаги муваффақиятларини доимий равишда таъкидлаб келади. АҚШ Давлат котиби қарорига кўра, Ўзбекистон 2020 йилдан бошлаб Диний эркинликлар соҳасида хавотир уйғотадиган мамлакатлар рўйхатидан чиқарилган. 2022 йилда “Cotton Campaign” ноҳукумат ташкилоти ташаббуси билан киритилган пахта хариди бўйича таъқиқ олиб ташланган. Ўша йилнинг ўзида АҚШ Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши саъй-ҳаракатларини сезиларли даражада кучайганини эътироф этди. Ўтган йили АҚШ Савдо ваколатхонаси интеллектуал мулк ҳимояси борасидаги барқарор ривожланиш ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонни кузатув остидаги мамлакатлар рўйхатидан чиқарди. Биз қарийб чорак аср бу рўйхатда турган эдик.

Муқаддам эришилган икки томонлама келишувлар доирасида 2025 йилнинг 30 апрель куни Нью-Йоркдан Тошкентга махсус чартер рейс амалга оширилиб, унда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатларнинг АҚШ ҳудудида ноқонуний бўлиб турган ва депортация қилинадиганлар рўйхатига киритилган 92 нафар фуқароси ватанига қайтарилди.

Бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот мавзуларидан яна бири — маданий-гуманитар йўналиш ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши (ACIE) фаолияти тикланди. Тошкентда бўлиб ўтган “Education USA” минтақавий форумида АҚШнинг 65 та олий ўқув юрти иштирок этди. Ўз навбатида, бир қатор Ўзбекистон олий ўқув юрларининг ректорлари ва

проректорлари Халқаро таълим администраторларининг Вашингтонда ўтказилган конференциясида қатнашди.

Давлат раҳбарларининг мулоқотида спорт мавзуси ҳам эътибордан четда қолмади. Келгуси йили АҚШда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор иштирок этиши мамнуният билан таъкидланди. АҚШ етакчиси футбол терма жамоамизга чин дилдан омад тилади.

Телефон мулоқоти чоғида давлат раҳбарлари долларб халқаро масалалар, жумладан, Марказий Осиё давлатлари ва АҚШнинг “С5+1” шаклидаги минтақавий ҳамкорлигини чуқурлаштириш юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Давлатимиз раҳбари Президент Дональд Трампни ўзи учун қулай муддатда Ўзбекистонга расмий ташриф билан келишга таклиф қилди.

Амалий ҳамкорлик бўйича лойиҳа ва дастурларни илгари суриш мақсадида олий даражадаги мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президентини Дональд Трампнинг телефон орқали мулоқоти очик, конструктив ва дўстона руҳда ўтди, дея хулоса қилад давлатимиз раҳбари матбуот хизмати.

Шуни таъкидлаш лозимки, дунёнинг энг йирик иқтисодиётига ва кенг дипломатик ваколатхоналар тармоғига эга бўлган Қўшма Штатлар халқаро муносабатлар ва глобал савдо тизимида муҳим роль ўйнайди. АҚШ билан савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш, кўп қиррали шериклик ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон миллий манфаатларига хизмат қилад.

Айни пайтда АҚШ олий раҳбариятининг расмий Тошкент билан алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган интилиши Янги Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги мавқеи ортиб бораётганидан, кўп векторли ташқи сиёсатимизнинг стратегик мақсадлари рўёбга чиқаётганидан дарак беради.

Ўз мухбиримиз

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ВА ОСОНЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев адлия тизимида давлат хизматларини кенгайтириш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Сўнгги саккиз йилда адлия фаолиятини янгича ташкил қилиш учун 70 га яқин қонун ва қарорлар қабул қилинди. Тизимни аҳолига яқинлаштириш учун 20 дан ортқ қўшимча ваколатлар берилди. Худудларда 202 та Давлат хизматлари маркази қурилди. Бугунги кунда 500 дан ортқ давлат хизматлари “бир дарча” тамойили асосида кўрсатилмоқда. Илгари соатлаб, кунлаб кутилган маълумотлар ҳозир 5-10 дақиқада олинган.

Лекин бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Давлат идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик етарли эмаслиги бюрократик тўсиқларга сабаб бўлмоқда. 200 дан ортқ давлат хизмати ҳамон эскича усулда кўрсатиляпти. Чека ҳудудларда аҳолининг хизматлардан мустақил фойдаланиш имконияти чекланган.

Шу боис, тақдимотда давлат хизматларини янада кўпайтириш ва осонлаштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Режага кўра, келгуси уч йилда давлат хизматлари 900 тага етказилади. Йилгига 80 та хизмат “3 қадам” тамойили асосида соддалаштирилади. Аҳоли гавжум жойлар ва олис маҳаллаларда 1 минг 100 та интерактив киоск ўрнатилади.

Фуқаролардан 30 турдаги ҳужжатларни талаб этиш бекор қилинади. Хусусан, ФХДЁ органида никоҳланувчи шахсларнинг tibбий кўрик натижалари, мудофаа бўлимларида ҳарбий хизматга мажбурларнинг турар жойи ўзгарганлиги ҳақидаги ҳужжат сўралмайди, бу маълумотлар ахборот тизимлари орқали онлайн олинади.

Бугунги кунда нотариуслар одамларга 80 дан ортқ турдаги хизмат кўрсатаяпти. Лекин онлайн хизматлар улуши жуда кам — 11 фоиз.

Давлатимиз раҳбари рақамлаштириш орқали фуқароларга қулайликларни ошириш зарурлигини таъкидлади. 2025-2027 йилларда босқичма-босқич 20 та нотариал ҳаракат онлайн расмийлаштиришга ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, нотариал хизматлар кўрсатишда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини талаб қилиш бекор қилиниб, буни “FACE-ID” орқали аниқлаш тартиби йўлга қўйилди.

Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида 64 турдаги экспертиза хизматлари ўтказилияпти. Лекин худудларда бунинг ярми ҳам йўқ.

Шунинг учун экспертиза бўйича янгича ёндашув қилиш, худудий экспертиза марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш, бу орқали улардаги экспертиза турларини қўшимча равишда 15 тадан 25 тагача кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Экспертизанинг янги турларини жорий этишда рақамли технологиялардан, инсон омилли йўқ дастурлардан кенг фойдаланилади. Суриштирув, тергов органлари ва экспертиза муассасалари ўртасидаги ҳужжатлар алмашинуви тўлиқ электрон шаклга ўтказилади. Автоҳалокат жойини 3D моделлаштириш, видеотехника ва фототехника экспертизаси каби янги хизматлар татбиқ этилади.

Нодавлат суд экспертиза фаолиятини кенгайтириш, суд эксперти сифатида алоҳида бюро очган ҳолда мустақил иш юритишга рухсат бериш. Ўзбекистон Суд экспертилари палатасини ташкил этиш бўйича таклифлар маъқулланди.

Одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам муҳим. Шу мақсадда “Ақлли тарғибот” асосида аҳоли ва тадбиркорларга янги ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни манзилли тарзда, электрон тизимлар орқали етказиб бериш йўлга қўйилди. Қонунчиликни мутахассислар иштирокида содда тилда шарҳлаб боровчи “Adliya TV” интернет саҳифаси ишга туширилади.

Ислохотларни ўз вақтида ва сифатли бажаришда мутасаддиларнинг ташаббускорлиги, жавобгарлиги, масъулияти ва ваколатларини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Шу боис, ўз соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар ҳузуридаги органларга ҳам идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколати берилди.

Бундай ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатлари соддалаштирилади. Натижада идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг ўртача муддати 2 баробарга қисқаради.

Тақдимот ақунда мазкур таклифларни амалга ошириш бўйича фармон ва қарорлар имзоланди.

ЎЗА

СУВЕРЕНИТЕТ — ФАҚАТГИНА ХАРИТАДАГИ ЧЕГАРАЛАР ЭМАС

МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, ИЧКИ ҚУВВАТИМИЗДИР

Бугун дунё сиёсий ўйинлар, иқтисодий инқироз ва ахборот ҳужумлари майдонида айланган бир даврда “суверенитет” сўзи ҳар доимидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу ҳар қандай мамлакат мустақиллиги ва келажагининг асосидир. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 34 йиллигини нишонлаган шу кунларда, мажозий маънода, уни 34 ёшга тўлган, ёшлиқдан улғайиш сари қадам қўйган инсонга қиёслаш мумкин. Бу — ўтган умрни сархисоб қилиш, окни қорандан ажратиб, хатолардан хулоса чиқариш, стратегик қадамларни аниқ белгилаш вақти.

Хўш, қайси ислохотлар Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатидаги позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилди?

Иқтисодий мустақиллик ва янгиланган Мудофаа доктринаси

Энг муҳим омил бу — иқтисодий мустақиллик. Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инновациялар жорий этиш, фермер ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш — бу фақатгина ИИМ ўсиши эмас, балки ўз халқи фаровонлигини таъминлаш, иш

ўринлари яратиш ва одамларни рози қилиш мақсадларининг асоси ҳамдир.

Ўзбекистон сўнгги йилларда самарасиз иқтисодий моделдан воз кечиб, унинг ўрнига рақобат, хусусий мулк ва ташаббус қўллаб-қувватловчи, дунёга очик бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган фундаментал ислохотларни амалга оширди. Натижада мамлакат ялпи ички маҳсулоти 2017 йилдаги 41 миллиард доллардан 2024 йилда 115 миллиард долларга етди, экспорт ҳажми эса 13,9 миллиард доллардан 27 миллиард долларга кўтарилди. Бу ўзгаришлар иқтисодий мустақиллигининг мустаҳкам пойдеворини яратиб, Ўзбекистонни дунё ҳамжамиятига минтақада барқарор ривожланаётган давлат сифатида танитмоқда.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёт кечиришида мудофаа тизимида олиб борилган ислохотлар аҳамияти ҳам беқийс. Ўзоқ йиллар давомида Куролли Кучларни ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотлар билан таъминлаш асосан импорт ҳисобидан амалга оширилиб келинади. Бу эса нафақат Миллий армияни қурол-аслаҳа, махсус техника ва зарур жиҳозлар билан ўз вақтида таъминлашга тўсиқ бўлган, балки мамлакатнинг ҳарбий хавфсизлиги масаласида хорижий давлатларга боғланиб қолиш хавфини ҳам кучайтирган эди. Шунингдек, мудофаа аҳамиятига эга бўлган мавжуд корхоналар оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолганди.

► Давоми 3-бетда



Сафардан қайтгач, жўраларим билан саёҳатимни муҳокама қилганмиз. Табиийки, мен кўрганларимни ўзгача гурур билан айтиб бераман:

— Чўмиладиган канали бор, суви тип-тиник!
— Э, ўзимизнинг Нарпай канали зўр. Уйнинг олдида. Баъзан лойқа бўлсаям, маза қиламиз, — дейди Раҳим.
— Қаватли уйлар бор экан Тошкентда!
— Ўзимизнинг ҳовли яхши. Сигир бор, қўй бор, тандир бор, ҳозир қуён ҳам боқайман. Қаватли уйларда болалар зериқади, — дейди бошқа бир ўртоғим.
— Бизга котлет, какао беришди, нонларни ҳам пичоқда кесиб, бўлаклаб беришаркан!
— Онам пиширган ун ошидан ширин таом борми?! Бизнинг чалоб биланмиз ўрик сувидан ичиб кетсин улар, — дейди бошқа синфдошим.

Хуллас, айтганларимга ҳавас қилишса-да, улар Зиёвуддинни, ўзимизнинг таомларни маъқул кўришди. Ҳавосио тупроғи, сувига-ча зўр эканини исботлаш учун соатлаб тортишишдан чарчамайдди. Энди ўйлаб қарасам, Ватанга муҳаббат ўшанда болалик ўйинча-роқлиғиго жомадонимизни қўлтиқлаганимизча бизни шаҳарга қузатган қишлоқ, оиламизда супадаги дастурхон атрофида кечган қизгин суҳбатлар шууримизга ҳеч кетмайдиган бўлиб жойлашган экан. Ватан деганда айвонига қалдирғоч ин қурган уйимиз, атрофига райҳон экилган супа, мунғайибгина турган тандир, ҳар куни тонгда ва кечда сув сепилиб, супурилган тупроқли кўча, қуёш уфққа бош қўйганда кўчани тўлдириб қўй-қўзиларни ҳайдаб келаётган чўпон бобо ва ниҳоят мактабни тугатгач, катта йўлга чиққаннимизда қўл силтаб бизни олқийлаб қузатган, худди ҳарбийлардек саф тортиган тераклар... ҳамма-ҳаммаси кино тасмасидек кўз олдимдан ўтаверади. Балки Ватан деганлари шундай?

Зиёвуддинга ҳар гал борганимда ота уй дарвозаси олдида ўтириб, бир зум олис болаликка қайтаман, қўшилларимизни, қариндошларимни эслайман. Уларнинг кўпи бугун орамизда йўқлигини эслаб, бўғизимга нимадир тикилади. Олдимдан ўтаётган ҳар бир киши салом беради ёки кўришиб ўтади. Кўпини танимайман, аммо юз тузилиши, гап-сўзига қараб кимгадир ўхшатаман, менга, займан. Гўё уларда ёшлигини кўргандай

Эссе

бўламан. Гапга тутаман, иши, ўқиши, келажакдаги режалари ҳақида тўлқинланиб гапиришда эртанги кунга ишончи мустаҳкам эканидан кўнглим яйрайди. Балки Ватан деганлари шу ишончмикан?!

Менинг ҳам улар билан гаплашгим келаверади. Чунки ана шу замин руҳи бизни яқинлаштиради. Дунёни англашда бир-биримизга ёрдам берганимиз. Мабодо улардан бирини бошқа ерда кўриб қолсам ҳам ана



шу руҳни сезаман. Уларда ҳам шундай ҳолат бўлса керак. Улар орқали болаликдан шууримга сингган фазилатлар бор. Ана шу фазилатлар бу заминни қадрли, муаззам кўрсатади.

Дарвоза олдидаги ўрик дарахти уста Тош бобомнинг феъли, ҳалолигини эслайти туради. Ўзим туғилиб ўсган жой билан боғлиқ бундай қадрли мисоллар жуда кўп. Ҳа, уларни қадрли деб аташга ҳақиман. Ахир уларнинг ҳар бири менга сабоқ берган, ҳар бири юрагимнинг қат-қатига сингиб, ширин хотираларга айлانган. Мана, орадан неча ўн йилликлар ўтса-да, ҳамон

қалб хотираларидан энг чиройли битикдай жой олган. Йўллар, дарахтлар, наботот олами, момоннинг тандири, ҳасса таъниб тургандай бинолар, ғамланган ўтину совуқда ўтинни чарсиллатиб ёндирадиган қадрли печка...

Биласизми, ҳатто осмондаги ой ва юлдузлар ҳам қишлоғимда бошқачароқдай туюлади. Турфа феълени ҳеч кимдан яширмайдиган ва ўз навбатида қишлоқдошлари ҳам шу феълига яраша муомала қиладиган самимий одамлар... Эслаганимда улардан бирортаси ёдимга тушмаса, хотираларим кемтик, етим бўлиб қолади. Балки Ватан деганлари шундай?

Пахтачидаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Қишлоғимиздаги бир оила бир кечада Жиззахга чўлни ўзлаштириш учун кўчиб кетди. Мактабда ўқийдиган болалари ҳам бирга кетди. Кейинчалик эшитсак, оила бошлиғи ва аёли маҳалла учун жуда ноқўя иш қилган. Маҳалла оксоқоллари қарори билан улар кўчириб юборилган. Бироқ ана ўша оила бошлиғи вафот этганда қишлоғимизга олиб борилиб, дафн қилинди. Фарзандлари-ча шундай васият қилган экан. Эҳтимол, шу заминда унинг руҳи таскин топгандир...

Пахтачидаги 25-мактабда ўқиганман. Битириш арафасида ўғил болалар мактаб учун Зарафшон дарёси яқинидаги завод ҳовлисида мингтадан гишт қўйиб берардик. Аммо мен, Эгамберди Раҳмонов (жоий жаннатдан бўлсин!) ва Раҳим Султоновга мактаб учун қоровулхона қуриш топширилди. 1970 йилда тикланган ўша бина ҳозиргача турибди. Ҳар гал мактабимга борганимда у кўзимга қошонадек кўринади. Чунки унда меҳрим, меҳнатим бор. У мен учун Ватанимнинг бир бўлган. Демокриманки, инсон ўзи барпо этган масканни кўпроқ севади. Ватан садоқатли фарзандлари меҳнати билан гўзал диёрга айланади. Чет элданги ҳар қанча гўзал, ҳашаматли жойларга ҳавас қилмайлик, уни ўз ватанимизчалик сева олаймиз. Ватанини севган одам уни қизганиб севади, ич-ичидан севади.

Улуғ китобларимизда “Ватанини севмоқ имондандир” деган ҳикмат бор. Бу бежиз айтилмаган. Ватанини севмиш учун унга муносиб ҳам бўлмоқ лозим. Ўзингиз айтинг, энди бўла туриб, яхши шогирд тайёрламаган, халқнинг пули — бюджетга кўз олайтирган ёки ланжлиги, лоқайдлиги боис, ўзини ўзи уздайла олмаган одамлар Ватанини севмаган, дейишга ҳақимиз? Ахир ёшлиқдан сингган одат бор: бирор иш бошласам, уста Тош бобом нима дейди, қишлоқдагилар қандай фикр билдиради деган ҳаёл бугун ҳам, шу ёшимда ҳам тарқ этмаган. Бу қишлоқдошларга муносиблиқдир, балки Ватанга меҳр деганидир.

Баъзан Ўртаҷул бағридаги ихчамгина Қарнабота қишлоғи тўйларидаги бир

ҳолатни кўриб, қалбим гурурга тўлади. Тўй қилинса, узоқ-яқиндан жуда кўп меҳмон боради. Мамлакатдаги кўплаб ҳудудлардан дўстлар, қудалар бор. Ўз ўрнида улар ҳам меҳмонга бориб туради. Чунки улар Қарнабота шаънини ҳурмат қилади.

Эсимда, отам раҳматли Исҳоқ муаллим университетга ўқишга кирганимда “Болам, бу жараён менинг ҳам бошимдан ўтган. Биласан, айрим домлаларимнинг фарзандлари, курсдошларим билан ҳалғача борди-келди қиламан. Сен ҳам сафдошларингни қадрла, уларга доимо ёрдам беришга тайёр тур. Токи улар сен орқали авлодимизга, қишлоғимизга меҳр қўйсин”, деб насихат қилган эди. Қаранг, қандай олижаноб ҳолат: қишлоғимнинг битта яхши одами туйфайли бутун мамлакат битта фикрга келади. Демак, Ватан меҳри бизни бирлаштиради, керак бўлса, тарбиялайди.

Юртини севган одам Ватан таърифиди чиройли ташбехлардан тийилади. Шунинг учун бўлса керак, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф, Сирожиiddин Саййиднинг Ватан мавзусидаги шеърларини қайта-қайта ўқийман. Улар ватанпарварлик мавзусини, ватан мадҳини қалбга етиб борадиган тарзда таърифлаган. Ватанга садоқат тўйгулари ҳам, назаримда, қоғозга осонгина тушмайди. Ватанга муҳаббатни ҳис қилган одамнинг руҳияти, кўзи, ҳаракати бу ҳолатини кўрсатиб туради. Чунки улар, энг аввало, одамларни, халқни қадрлайди, севади.

Болалигимдаги тасаввулларим қишлоғимнинг гўзаллиги, сермева боғлари билан боғлиқ. Унда ҳайрат кучли эди. Энди эса... мен кўзим тушган ҳар бир нарсаси, дуч келган ҳар бир одамда ҳикмат қўйман. Ватан остондан бошланади. Уйини, маҳалласини, қишлоғини сева олмаган киши Ватанини сева олмайдди. Ватанга муҳаббат ороқдан бошланади, уни оила, атрофдаги яхши одамлар шакллантиради. Ватан нелигини англаш учун бир кишининг умри камлик қилар экан. Юртимиздаги ҳар бир хас, ер, суви ҳаво, ҳайвоноти наботот, инсонлар Ватан деган гўзал манзаранинг унсурларидир. Мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас ҳодиса ёдимдан чиқмайди: давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбек тилида нутқ сўзлади!

Ҳа, халқимиз етакчиси шижоат кўрсатиб, минглаб одамлар кўз ўнгига дунё ахлига Ўзбек тилида муурожаат қилди. Боболар руҳи шод бўлди ўша кун, Ўзбек қаддини ростлади! Жаҳон Президентининг тилида Ўзбек миллати, Ўзбек халқи гурури ва шижоатини ҳис қилди. Балки ҳар бир инсоннинг ўз тилида баралла сўзлаши ҳам Ватан деган туйғунинг зийнатларидандир!

Ешим улғайгани сайин бир ҳақиқатни равшанроқ англаяйман: Ватан қиймати ҳеч қачон пасаймайди, қамаймайди! Илгаригидек тез-тез бориб завқ олган онларим сийраклашган бўлса-да, ҳар қадамда менга пешвоз чиқадиған қишлоқ бағри, одамлари Ватан меҳрини қалбимга янада теран англагандек туюлади. Шу ёшга кириб кўп юртларда бўлдим, неча давлатларни кездим. Узоқ йиллардан бери кичик ватанимдан оз бўлса-да, узоқроқда истиқомат қиламан. Аммо юрагимда ўша, болалигимда қалб бу шууримда қолиб кетган Ватан маёқ мисоли қалбимга ҳарорат беради. Бугун ҳам бир бориб келишим билан кўнглимдаги барча гувор арийдди, ҳеч жойда туймаган бир ҳаловатни топаман. Кўнглимдаги бу йўлқуруқ мени ҳар доим яхшиликларга ўндайди, шу ёшимгача нимадир яхши иш қилолган бўлсам, буларнинг барига ўша маёқ сабаб деб ўйлайман.

Фикр

Ярим тун. Ўт ўчириш машинаси сиренаси овозидан уйғониб кетдим. Ишқилиб тинчлик бўлсин. Бирор махсус-тактик машқ бўлса, майли, бироқ бировнинг уйи, мол-мулки ёки бирор муассасаси ёнишидан Яратган асрасин.

Икки йилча олдин янги маҳаллага кўчиб бордик. Кўп қаватли уйимиз ёнидаги бир ҳовли ёниб кетди. Бир хонадондан уч киши нобуд бўлди. Ҳар куни ишга ўтар эканман, шу уйга қайрилиб қарай олмайман. Ёнгин тафсилотлари ҳақида ҳам билмайман. Билганим — бир оиланинг неча йил яшаган қадрдон уйи ёнди, оила уч жигарбандидан айрилди...

Халқимиз дуо қилганида “Ўт балосидан асрасин!”, дейди. Ҳақиқатан, ўт балоси ёмон. Айниқса, ённинг қуруқ, қуёшли кунларида олов тез кучаяди ва катта ҳудудни қамраб олади. Ҳатто қишда ҳам ўт ўчириш қийинлашадиган ҳолатлар бор. Шунинг учун ёнгининг олдини олиш қондаларига доимо амал қилиш керак. Хонадонлар, ишхоналарда электр ва газ жиҳозларини кераксиз пайтда ўчириб, кўчага чиқайдан олдин қайта текшириш доимий қондага айланиши шарт. Ҳамиша сифатли ва соз ускуналардан фойдаланиш лозим. Ҳатто олдий телефон қувватлагични ҳам электр токидан узмай кетиш хатарли. Ташкилот ва муассасаларда доимо ўт ўчириш мосламалари шай турмоғи, махсус ходимлар ўқитиб турилиши зарур.

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда ёнгинларга оид хабарлар тез-тез тарқал-

ВАЗИЯТНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАШ — ЭНГ МУҲИМ ҚОИДА



Муҳиддин ТИНИБЕКОВ,
Фавқуллода вазиятлар вазири
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

моқда. Ҳали кўп қаватли уйлардан бирининг очиқ айвони ёнган, ҳали автомобилларга газ қўйиш шохобчаси, ҳали бозор, ҳали номдор объект... Бу ҳусусда муносабатлар ҳам турлича. Кимдир кимнидир айбалади.

Аслида, ҳаммаси оддий. Ённингача бўлган вазиятни тўғри баҳолаш, ўт чиққанда тўғри ҳаракат қилиш зарур. Кўп қаватли уйларнинг очиқ айвони ўт ўчириш йўлагини учун махсус қолдирилган. Кимдир бу жойда кир қурилади, кимдир омборхона қилиб олган. Хуллас, ҳамма яшаш тарзига яраша фойдаланади. Бир қашаңда юқори қаватдан ўчиб улгурмаган сигарета қолдигини ташлаб, пастдаги қўшинсининг уйи ёнишига сабаб бўлган деб эшитдим. Чеккан одам буни ҳеч

қачон тан олмайди, бир бечоранинг уйи куйгани қолади.

Бозорларда ҳам хавфсизлик даражаси тез-тез текширилиб туриши мақсадга мувофиқ. Дўкан эгалари барча электр жиҳозлари ўчганига ишонч ҳосил қилиб, кейин уйига кетиши керак. Баъзида текширувга борганда ҳаво айланитригч (вентилятор) тутмасидан ўчирилган, бироқ электр манбаидан узилмаган бўлади. Ёки кондиционер, дазмол, чанготиқ билан ҳам боғлиқ айнан шундай ҳолат учрайди. Электрдан узилмаган ҳеч бир жиҳоз ўт чиқмаслигидан қафолатланмаган. Бир кишининг дўкони ёнса, бозордаги бошқалар ҳам жабр кўради.

Яқинда ижтимоий тармоқларда Жомбойдаги газ қўйиш шохобчасида ёнгин видеоси тарқалди. Кичкина ёнгини ўчиришга ҳаракат қилинмагани оқибатида бутун шохобча, икки-уч машина ёниб кетди. Ўт ўчириш ускуналари қани? Хавфсизлик қондаларига нега риоя қилинмади? Шу сабаб бўлиб бошқа шохобчалар раҳбарлари ва ходимлари ўзларини назоратдан ўтказиб олса яхши бўлар эди.

Қурилиш объектларида тез-тез ўт чиқиб туради. Пайвандалаш ускуналарини ишла-тиш, электр йўлини синовдан ўтказиш сингари ҳолатларда янада эҳтиёт бўлиш шарт. Қурилиш бригадаси бошлиқлари, объект раҳбарлари, ходимлари, албатта, ёнгининг олдини олиш қондаларини билиши лозим.

Саросима — энг катта душман. Ҳар қандай ҳолатда вазиятни тўғри баҳолаб,

“Вазиятни тўғри баҳоламай, ижтимоий тармоқларда хулоса ёзиш осон. Ўзимиз ўт чиқмаслиги учун нима қиляпмиз, дейдиганлар борми? Ҳамма ишни ўт чиққанидан кейин баҳоламай, ёнгининг олдини олиш учун нимадир қилиш ҳам жамият ривожига ҳисса қўшишдир.

тезор хулоса чиқариб, илдам ҳаракат қилиш ёнгини қисқа муддатда ва осон ўчириш имконини беради. Ёнгин ҳақидаги хабарларга эътибор қаратсак, ўт ўчириш машиналари 5-10 дақиқда керакли манзилга етиб боргани ва оловни қисқа муддатда қуршаб олиб, ўчиришга ҳаракат қилётганига гувоҳ бўламиз. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда энг сўнгги русумдаги ўт ўчириш машиналари, асбоб-ускуналаридан фойдаланилаётгани, ўт ўчирувчилар амалий ва назарий ўқиб, малака ошираётгани тўғрисида.

Вазиятни тўғри баҳоламай, ижтимоий тармоқларда хулоса ёзиш осон. Ўзимиз ўт чиқмаслиги учун нима қиляпмиз, дейдиганлар борми? Ҳамма ишни ўт чиққанидан кейин баҳоламай, ёнгининг олдини олиш учун нима қилиш ҳам жамият ривожига ҳисса қўшишдир.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Кўп қаватли уйлар, жомат жойларини қуришда машина турар жойлари учун ҳам ўрин ажратишини қатъий назорат қилиш керак. Баъзида кечалари “тез ёрдам” чақирилса, машиналар ўта олмай, шифокорлар анча масофани пиёда босиб ўтади. Шундай ҳолатларда “Ўт чиқса, нима бўлади?” деган совуқ уй келади ҳаёлга.

Аввало, ҳеч кимнинг уйи қўямасин, ҳеч бир ташкилот олов ичида қолмасин. Аммо ҳаётда баъзан ўт чиқиб туради. Ҳар қандай ҳолатда эҳтиёткор бўлиш — энг муҳим қоида. Ўчирмоғи, зарар ўрганилиди, қопланади. Аммо уй ёки ташкилот биноси олдинги ҳолатига келгунча қанча асабозарлик

бўлади, ҳаракат қилинади ва энг ачинарлиси, одамлар жабр кўради.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб телефон қурилмасига фавқуллода вазиятлар бўйича хабар жўнатишини йўлга қўйди. Ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, бунинг учун алоқа компаниялари билан шартнома тузиш зарур. Ис гаси, сел хавфи, бутуллизм, ёнгининг олдини олиш бўйича келган хабарларини ким ўқиб, амак қилади? Бундай хабарлар битта инсоннинг умри сақланиб қолишига хизмат қилса ҳам мутасаддилар олдида қўйган мақсадига эришган бўлади.

Сирена овози тун қаргига сингиб кетди. Уйку қочди. Шу баҳона газ ва электр жиҳозларини қайта кўздан кечирдим. Сиз ҳам шундай қилинг, ватандош. Барчамизни ўт балосидан асрасин!

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб телефон қурилмасига фавқуллода вазиятлар бўйича хабар жўнатишини йўлга қўйди.

